

Бекзодбек МУХТАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ “АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ” АСАРИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРИТИЛИШИ

Оила ва жамият тинч-тотув ва фаровон бўлиши учун муқаррар зарурий шарт-шароитлар лозим бўлади. Бундай шароит биринчи навбатда оиланинг салоҳияти ва барқарорлигини таъминлашдан бошланади. Шу сабабдан ислом динида оилага, уни барпо этиш жиҳатларига катта эътибор қаратади. Оила биносини меҳр-муҳаббат асосида ҳақиқат ва адолат заминига қуриб, мустаҳкамлаб, бахт-саодатга эришишга чорлайди.

Ислом динида оила ва уни тартиб солиш борасида ўзининг энг мукаммал қондаларини белгиллаган. Бу мавзуда юртимиз уламолари томонидан кўплаб асарлар таълиф этилган. Шундай уламолардан бири фақиҳ Носируддин Самарқандий (ваф. 556/1161 й.) бўлиб, олимнинг ислом ҳуқуқшунослигига оид ўнга яқин асарлари мавжуд. Улар орасида Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” (“Фойдали фикҳ”) асари ҳанафий мазҳаби фикҳи борасида муҳим ўрин тутади. Асарда оила мавзусига оид масалалар “Никоҳ”, “Талоқ”, “Нафақалар” каби бўлимларида батафсил тўхталиб ўтган.

Оила муносабатларининг асосида никоҳ масаласи ётади. Никоҳ оила пайдо бўлишининг бирдан-бир йўлидир. Шу масалани тўғри бўлиши оиланинг мустаҳкам ва бахтли бўлишига сабаб бўлади. Шу боис ҳам Самарқандий “Никоҳ ҳақидаги китоби”ни никоҳ ва унга доир масалалар билан бошлайди.

Никоҳ боғланиши учун никоҳланувчилар томонидан ижоб ва қабул, яъни, қиз “Бағишладим”, йигит эса “Қабул қилдим” сўзларини ўтган замон феълида айтишлари лозим бўлади¹.

Шунингдек, бу никоҳ боғланишига икки мусулмон одил эркак киши гувоҳ бўлиши шарт. Агар иккита эркак киши топилмаса, мусулмон одил бир эркак ва икки аёл гувоҳлиги ҳам ўтишини Самарқандий таъкидлайди.

Гувоҳларга мусулмон бўлиш, адолатли бўлиш, балоғат ёшига етганлик ва икки эркак ёки бир эркак ҳамда икки аёл киши бўлиши шарт бўлиши билан бир қаторда никоҳни эълон қилиш ҳам унинг шартларидандир. Гувоҳларсиз ёхуд сир сақлаш шarti билан гувоҳлар олдида турмуш қуриш жоиз эмас. Агар гувоҳларсиз никоҳ аҳди (шартномаси) қилинса ва уни эълон қилиш шарт қилиб қўйилса, бундай никоҳ жоиз, дейди. Яна қуйидаги шартлар ҳам юзага келиши мумкин:

Биринчиси, мусулмонлар никоҳи кофирларнинг гувоҳлигида бўлмайди;

Иккинчиси, аҳли зимманинг никоҳи мусулмонлар гувоҳлиги билан жоиз

Учинчиси, никоҳ лафзларини икки тараф ва ҳар бир гувоҳ эшитиши керак;

Тўртинчиси, агар икки гувоҳ эшитиб, икки тараф эшитмаса ёки, аксинча, тарафлар эшитиб, гувоҳлар эшитмаса, бундай никоҳ тўғри ҳисобланмайди. Бу ҳолатда икки гувоҳ никоҳ лафзини барабар эшитишлари кераклиги алоҳида шарт қилиб қўйилади.

Никоҳланиш масаласида эркак киши уйланиши мумкин бўлмаган аёллар ҳам мавжуд бўлиб, Самарқандий уларга унинг онаси, бувиси, қизи, набира қизлари, опа-синглиси, уларнинг қизлари, ака-укасининг қизлари, аммаси, холаси, никоҳидаги аёлининг қизи, ўғли ва набираларининг хотинларини киритади. Шунингдек, мусулмон эркаклар мажусий ва бут-санамларга сиғинувчи аёлларга уйланиши мумкин эмаслиги ҳам келтириб ўтилади².

¹ Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 2. – Б. 499-500.

² Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 2. – Б. 502-503.

“Мусулмон эркак қолган аёлларга уйланиш мумкин ва аҳли китоб бўлган яҳудий ҳамда насроний динига эътиқод қилувчи аёлларга ҳам уйланиш мумкин”, - дейди Олим. Яна Самарқандий мусулмон эркак киши Собийлар (“Юлдузларга сиғинувчилар”) аёлларга уйланиш борасида Абу Ҳанифа жоиз, дегани, шогирдлари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадлар жоиз эмас, деганини келтириб, Абу Ҳанифани фикрини маъқуллайди³.

Никоҳланувчи аёлларга озод бўлиш, балоғатга етган бўлиш, розилиги, никоҳ боғланаётган вақтда ўзи ёки валийси ҳозир бўлиши белгиланган.

Асосий шартларидан бири аёл кишининг ўзи рози бўлишидир. Уларни мажбурлаб никоҳлаш мумкин бўлмайди. Шу билан бирга аёл кишини, қулга, бошқа дин вакилларига никоҳлаш мумкин эмас.

Никоҳланишда эътибор берилиши лозим бўлган ишлардан бири кафоат – тенглик масаласидир. Никоҳланувчиларнинг тенглиги уларнинг насл-насаби, дини, моли борасида бўлади. Мол-дунёсидаги кафорат бу эркак кишининг маҳр ва аёлнинг нафақасига қодир бўлиши ҳисобланади⁴. Сабаби агар эркак маҳр ва нафақага (нафақа – эрнинг хотинни турар жой, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаши) эга бўлмаса аёлга тенг ҳисобланмайди. Бу масалада Абу Юсуфнинг фикрича, тенгликни аниқлашда маҳрсиз нафақанинг ўзигагина эътибор берилиши лозим. Чунки маҳрсиз никоҳга рози бўлиш, маҳр беришни маълум бир муддатга чўзиш мумкин. Лекин эр-хотинлик юзага келганидан кейин эркак аёлини нафақа билан таъминлаши мажбуриятга айланади. Ислом ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларидан бири эрнинг аёлга маҳр беришидир. Маҳрнинг муқаррарлиги ҳар икки томон ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзини тийишига кафолат бўлиб хизмат қилган. Маҳр – бу аёл эрнинг таклифини қабул қилгани эвазига унга бериладиган моддий бойликдан иборат. Бунинг энг кичик миқдори ўн дирҳам бўлиб, Самарқандий бу ҳақида

“Ўн дирҳамдан оз миқдорда маҳр йўқ”⁵, - ҳадисини келтиради.

Маҳр никоҳнинг асосий шarti бўлмай, никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятдир. Шунинг учун ҳанафий мазҳабида никоҳ вақтида маҳр белгиланмаса ҳам никоҳ қонуний ҳисобланиб, ўз-ўзидан “маҳри мисл”, яъни ўша юртда аёл-қизларга бериладиган ўртача миқдорда маҳр бериш лозим.

Демак, маҳр аёлнинг никоҳга розилик билдирганлиги учун унга бериладиган, эрнинг никоҳ шартномасидан келиб чиқадиган муқаррар мажбурияти, ҳар икки томонни ҳам никоҳни бекор қилишдан ўзни тийиш кафолати, маҳр аёлнинг хусусий мулкига айланади, никоҳдан ажралган ҳолда ҳам унинг мулкка эгаллиги сақланиб, аёлнинг моддий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Асарда “Эмизиш ҳақида” алоҳида бўлим ажратилган бўлиб, унда эмизган онасига уйланиш ва эмикдош опа-сингилларга ва уларнинг қизларига уйланиш мумкин эмаслиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, она ўз фарзандини эмизиш муддати ҳақида асарда Абу Ҳанифанинг ўттиз ой, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадларнинг икки йил деган сўзлари келтириб, **“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар”⁶. (Бу муддат) эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир”⁷** оятини далил қилади. Абу Ҳанифанинг эмизиш муддати ўттиз ой деб белгилашига, сўзларигабу билан бу муддат ўтса, болани эмизиш мумкин эмас деган ҳукм олинмаслигини Самарқандий алоҳида таъкидлайди.

“Ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарида “Талок” масаласига бағишланган бўлим мавжуд бўлиб, унда талок, унинг ҳукми, турлари, талок

³ Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 2. – Б. 509-510.

⁴ Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 2. – Б. 523.

⁵ Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 2. – Б. 525.

⁶ Бақара сураси, 233-оят. Чақалокни икки ёшигача она сути билан эмизиш нақадар фойдали эканига ояти қаримада ҳам ишорат этилмоқда. Лекин шарият бўйича онани эмизишга мажбур қилинмайди, балки у хоҳламаган тақдирда ота чақалокни эмизиш учун энага ёллаши керак бўлади.

⁷ Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 37.

тушишига олиб келивчи кинояли сўзлар ҳақида батафсил баён этилиган.

Оилавий муносабатларга оид масалаларнинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири нафақа – таъминот масаласи ҳисобланади. Оила фаровон бўлишининг асосий омилларидан бири бу аёл ва фарзандларнинг таъминоти яхши бўлишидир. Айниқса, бугунги кунда иқтисодий таъминот борасидаги қарашлар ўзгараётган бир вақтда бу жуда муҳим саналади. Асарнинг “Нафақалар ҳақидаги китоб”ида хотин кишининг нафақаси эркак кишининг зиммасида эканлиги айтилади. Бунга Самарқандий Куръондаги “Уларни (оналарни) меъёрида озиқлантириш ва кийинтириш отанинг (эрнинг) зиммасидадир”⁸ оятини далил қилади. Нафақанинг миқдори борасида эса яшаши учун зарур бўлган ўртача миқдор олинган. Шунингдек, ёш болаларни ҳам моддий жиҳатдан таъминлаш отасининг зиммасида бўлиб, бу ишгабошқа биров шерик бўлмайди. Чунки болалар унинг фарзанди ҳисобланади. Ҳатто янги туғилган чалокни онаси эмизишга қодир бўлмаса, бошқа эмизадиган аёл топиб, унинг нафақасини тўлаш ёки ҳозирда мавжуд чақалоклар учун замонавий озуқалар билан таъминлаш ҳам отанинг бурчи саналади.

“Нафақалар” китобида яна бир масала бўлиб, бу ажрашган эр-хотининг фарзанлари кимда қолиши борасидаги ҳукмлардир. Бунда ажрашган эр-хотиннинг боласи ўғил бола бўлса, аввал онаси ёки бувисининг тарбиясида қолади. Қачон бу болалар ўзлари ейдиган, ичадиган, кийимини кия оладиган бўлганда отасининг қарамоғига ўтади ва отаси билан бирга яшайди. Отаси уни эркакларга хос одоб ва ахлоқ билан тарбия этади. Агар бола қиз фарзанд бўлса, онаси ёки бувисининг қарамоғида катта бўлади. Чунки онаси ёки бувиси унга аёлларга хос одоб ва ахлоқий тарбия бера олади⁹. Шундан сўнг қиз фарзанд ҳам ўзи ейдиган, ўзи ичадиган, баъзи аёлларга хос юмушларни бажара оладиган бўлганида отаси уни ўз қарамоғига олишга ҳақли бўлади.

⁸ Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 37.

⁹ Иброҳим Аббод. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд: Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 2. – Б. 697-698.

“Ал-Фикҳ ан-нофъ” асарида ёритилган яна бир оилавий масала бу фарзандларнинг ўз ота-оналари таъминотида масъул эканликларидир. Бу ҳақида Носируддин Самарқандий “Нафақалар ҳақидаги китоби”да алоҳида фасл ажратиб баён этади. Унда келтириб ўтиладики, эркак киши ўзининг ота-онаси, бобоси ва бувиси таъминотга муҳтож камбағал бўлса, уларнинг нафақа билан таъминлаши лозим бўлади. Ҳатто улар бошқа динга эътиқод қилсалар ҳам. Бунга Олим Куръони каримдан “Уларга (гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўлсин”¹⁰ оятини далил сифатида зикр этади. Самарқандий гарчи аёли, ота-онаси, бобо ёки бувиси, фарзанди ёки набираси бошқа динга эътиқод қилса ҳам уларни нафақа билан таъминлаш эркак кишининг зиммасига вожиб бўлиши таъкидлайди.

Фарзанд балоғатга етгандан кейин ота-онасининг таъминотида шерик бўлмайди. Чунки у улғайди. Энди улғайган фарзанд ўз таъминотини ўзи қилиши вожиб бўлади. Бу масала эса “Меросхўрнинг зиммасида ҳам худди шундай (нафақа масъулияти бор)”¹¹ оятини далил қилинади.

Агар фарзанди балоғат ёшига етган камбағал аёл бўлса ёки кўзи ожиз (ногирон) бўлса, унга мероснинг маълум миқдори лозим бўлади. Унинг таъминоти отаси, у бўлмаса, бобоси ёки онаси, у бўлмаса, бувисининг зиммасида бўлади.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги кунда оилавий муносабатни тартибга солиш давлат ва жамият ҳаётининг долзарб масалаларидан бирига айланди. Бу эса масалаларни ҳал этишда муқаддас динимизнинг таълимоти ва аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва маънавий меросимиздан унумли фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, Носируддин Самарқандийнинг илмий мероси оилавий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Ёшларни оилага тайёрлаш жараёнида миллий ва диний қадриятларни уларга етказиш самарали натижалар беради.

¹⁰ Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 412.

¹¹ Куръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А.Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – Б. 37.